



КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА ФОЙДА КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

проф. Тошназаров Самиддин

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0004-6946-6295

samiddintashnazarov68@mail.ru

Абдухолиқова Фарангиз

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0008-0108-0993

farangizabduxoligova57@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналар фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилган. Корхоналарда фойда ва рентабелликни таҳлил қилишни такомиллаштириш, корхона фойдасининг кўпайиши ва рентабеллигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: корхоналар фаолияти, барқарор ривожланиш, рақобатбардошлик, бухгалтерия ҳисоби, корхона, ривожланиш, фойда, ўсиш, ялпи даромад.

ВОЗМОЖНОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ АНАЛИЗА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПРИБЫЛИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

проф. Тошназаров Самиддин

Самаркандский институт экономики и сервиса

Абдухолиқова Фарангиз

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье особое внимание уделено показателям, отражающим прибыль и рентабельность, которые являются одними из важных показателей деятельности предприятия. Даны предложения и рекомендации по совершенствованию анализа прибыли и рентабельности на предприятиях, что имеет большое значение в повышении прибыли и рентабельности предприятия.

Ключевые слова: деятельность предприятия, устойчивое развитие, конкурентоспособность, бухгалтерский учет, предприятие, развитие, прибыль, рост, валовая прибыль.

OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE ANALYSIS OF PROFIT INDICATORS IN ENTERPRISE ACTIVITIES

prof. Toshnazarov Samiddin

Samarkand Institute of Economics and Service

Abdukholiqova Farangiz

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article focuses on profit and profitability indicators, which are among the most important performance indicators for a company. Suggestions and recommendations are provided for improving profit and profitability analysis at enterprises, which is crucial for increasing profits and profitability.

Keywords: *enterprise activity, sustainable development, competitiveness, accounting, enterprise, development, profit, growth, gross profit.*

Кириш.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотчи олим Астанованинг (n.d.) “Харажатлар ҳисобининг ривожланиши ва унинг бошқарув ҳисоби тизимидаги ўрни” номли мақоласида таннарх ҳисобининг юзага келиши ва уни тараққий эттиришда олимларнинг ҳиссалари баён қилинган. Уларнинг асосийларини қайд этамиз. Ўн саккизинчи асрларга келиб ишлаб чиқариш харажатлари тизими қўлланила бошланди.

Биринчи бўлиб Додсон томонидан бухгалтерия техникаси ва ишлаб чиқаришнинг натурал-қиймат ҳисоби асосланган. Чарльз Беббич биринчи марта ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш ғоясини илгари сурган.

Харажатлар ҳисобини ривожлантиришда француз олимлари катта ҳисса қўшишган. Масалан, Густав-Сенель (1813-1893) харажатлар назарияси ва костингнинг моҳиятини тадқиқ этиб, биринчи марта харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисобга олиш тартиблари ўртасидаги фарқни асослаб берган.

Германияда саноатнинг ривожланиши саноат маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш вазифасини биринчи ва муҳим омиллар қаторига олиб чиқади. Кальмес маҳсулот таннархини ҳисоблаш заруриятини илмий жиҳатдан асослади. У ўз ишларида саноат ҳисоби назариясини асослаб берди. Кальмес корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариша бўлишни тавсия этди.

Рус олими Рудаковский иккита таннархни ҳисоблашни таклиф этади: биринчиси – меъёрий харажатлар бўйича; иккинчиси – ҳақиқий харажатлар бўйича. Стоцкий фанда илк марта костингнинг бир қатор таснифларини ишлаб чиққан. У биринчи марта харажатларни тўғри ва эгри, асосий ва иккиламчига ажратади.”

Ушбу тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, юқоридаги олимларимизнинг ишлари бугунги кунда таннарх ҳисобининг юзага келиши, харажатлар ҳисоби концептлари шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, статистик маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Миллий иқтисодиётимизда бозор муносабатларининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий кўрсаткични чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкнинг кўпайишидан, кўпроқ даромад ва фойда олишидан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бунинг учун тадбиркор изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриши лозим. Бу эса ўз навбатида мулкнинг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишини ҳамда ундан самарали фойдаланишни доимий равишда таҳлил қилиб боришни тақозо қилади.

Иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий шартига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан сўнгги йилларда республикаимиз олимлари томонидан корхоналар, хусусан хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг натижаларини ифодаловчи асосий кўрсаткич фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасида катта изланишлар олиб борилди.

Хизмат кўрсатиш корхоналари фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари тахлилини ўтказишда молиявий ҳисоботлар муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар корхонанинг молиявий ҳисоботларидан олинади. Аммо, молиявий ҳисоботларни тузишда хатоликларга йўл қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Хато тузилган молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ўтказилган таҳлил ҳам хато хулосаларга олиб келади. Шу сабабли, ялпи даромад ва фойда кўрсаткичлари тахлилини ўтказишдан олдин молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текшириб чиқиш лозим. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тавсия қиламиз:

1. Бухгалтерия баланси кўрсаткичларини бош китоб кўрсаткичларидаги рақамлар билан солиштириш. Улар бир-бирига мос равишда тўғри келиши лозим.

2. Бухгалтерия балансидаги ҳар бир бўлимнинг моддаларидаги суммаси шу бўлим жами суммасига ва актив қисмининг пассив қисмига тўғри келиши аниқланади.

3. Бухгалтерия балансининг молиявий ҳисобот таркибига кирувчи бошқа ҳисобот шакллари маълумотлари билан тўғри келиши текширилади.

4. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Молиявий ҳисобот шакллари тузиш ва тақдим этиш Қоидалари»га тўғри келиши кўриб чиқилади.

5. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда акс эттирилган фойда кўрсаткичларининг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини арифметик жиҳатдан текшириш;

6. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган даромад ва фойда кўрсаткичларининг бош китобдан тўғри ўтказилганлигини текшириш.

Раҳбар молиявий ҳисоботни тасдиқлашда шу қўйилган талабларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини текшириб кўриши ва ишонч ҳосил қилгандан сўнг, унга имзо чекиши лозим.

Ялпи даромад ва фойда таҳлили натижаларининг сифати таҳлилчининг малакаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Таҳлилчи корхонанинг умумий иқтисодий муаммоларини яхши билиш билан бирга, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўқий олиши, улар ўртасидаги боғлиқликларни ҳам билиши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Шунинг учун

хам хизмат кўрсатиш корхоналари хўжалик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган фойда ва рентабеллик таҳлилини такомиллаштириш ҳозирги давр талаби ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш корхонаси учун аниқ фойда фақат товарни (иш, хизматларни) сотилгандан кейин ҳосил бўлади. Корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб сотилган товар хажми бўлганлиги туфайли унинг фаолиятига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб хўжалик фаолиятини таъминловчи моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хизмат кўрсатиш корхонаси фойда ва рентабеллик таҳлилини такомиллаштиришни яна бир бор муҳимлигини кўрсатади. Хизмат кўрсатиш корхонаси фойда ва рентабеллигига жуда кўп омиллар таъсир қилади.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим жиҳати таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари аниқлаб таҳлил қилаётган кўрсаткич тўғрисида аниқ хулосага келиш ва уни яхшилаш барча амалий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун фойда ва рентабеллик таҳлиliga таъсир қилувчи омилларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Корхоналарда фойда ва рентабеллик таҳлилини такомиллаштириш ва иқтисодий ишнинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни ошириш мақсадга мувофиқдир:

- корхоналарда ахборотлар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш.
- фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили учун ажратилган маълумотларни бир неча (камида уч) йиллигини таҳлил қилиш;
- фойда ва рентабеллик таҳлили барча кўрсаткичларни таҳлили қилиш жараёнини қамраб олишини таҳлил этиш;
- фойда ва рентабелликнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- корхоналарда иқтисодий таҳлилнинг қайта ҳисоблаш, занжирли алмаштириш, интеграл, иқтисодий математик, корреляция ва регрессия усулларида кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Бизнингча ушбу тадбирларни амалга ошириш корхоналарда фойда ва рентабелликни таҳлил қилишни такомиллаштиришга хизмат қилади ва пировард натижада корхона фойдаси кўпайиши ва рентабеллигини таъминлашга, пировардида эса фаолиятининг самарадорлиги ошиб ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар /Литература/References:

Абдукаримов, Б. ва бошқалар (2013). Корхона иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент: Фан ва технологиялар.

Абдукаримов, Б.А. (2010). Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 1-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган наشري. Тошкент: Иқтисод-молия.

Жўраев, Н., ва бошқалар (2007). Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. Тошкент.

Пардаев, М.Қ. ва Исроилов, Ж.И. (2007). Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. Тошкент: Фан ва технология.

Пардаев, М.Қ., Абдукаримов, И.Т. ва Исроилов, Б.И. (2004). Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Тошкент: Меҳнат.

Ташназаров, С.Н. (2010). Бошқарув ҳисоби. Маъруза матни. 2-қисм. Самарқанд: СамИСИ.

Уразов, К.Б. (2019). Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. Тошкент.

Хасанов, Б.А. (2003). Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Тошкент: Молия.

Хасанов, Б.А. ва Хошимов, А.А. (2011). Бошқарув ҳисоби. Дарслик. Тошкент: Шарқ.